## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1015-ҳадис

1015/2196 – عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللهِ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا قَالَ: نَهَى النَّبِيُّ صلى الله عليه وسلم أَنْ تُبَاعَ الثَّمَرَةُ حَتَّى تُشَقِّحَ. فَقِيلَ: مَا تُشَقِّحُ؟ قَالَ: تَحْمَارُّ وَتَصْفَارُّ وَيُؤْكَلُ مِنْهَا.

1015.2196. Салим ибн Ҳайёндан ривоят қилинади:

«Саъид ибн Мийно: «Мен Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумонинг «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ранг югурмагунча мевани сотишдан қайтардилар», деганини эшитдим», деб сўзлаб берди. Шунда: «Ранг югуриши нимаси?» дейилди. У: «Қизариши, сарғайиши ва ейиладиган бўлишидир», деди».

---

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI